









## **Майитни кафанга ўраш:**

Майитга ювгандан кейин, кафанлашдан олдин, аввалги мақолада айтиб ўтилганидек, хушбўй суртилади. Кейин майит қуйидаги тартибда кафанланади:

Олдин лифофани ерга ёйиб, ханут суртилади. Сўнг унинг устига изор ёйиб, ханут ва кофур суртилади. Майитни аввал қамис билан ўраб – албатта, унга ҳам ханут ва кофур суртилган бўлади – ёйилган изор ва лифофа устига қўйилади, изорни аввал чап, сўнг ўнг томонидан ўралади. Кейин лифофани ҳам шу тарзда ўраб чиқилади. Ташқи кўринишига ханут қилинмайди.

islom.uz Image not found or type unknown

Аёл кишига: лифофа ва изор ҳудди эркакларга ёйилганидек ёйилади. Сўнгра жасадни изор устига қўйиб, диръ (қамис) кийдирилади. Қамис устидан хирқани кўкраги ва қорни билан боғлаб қўйилади. Сочларини икки бўлак қилиб кўкрагига диръ устидан қўйилади ва химорни сочи тепасигача лифофа остига олинади. Сўнг изор ва лифофа билан ўралади.

Кафан ўралиб бўлганидан сўнг, очилиб кетмаслиги учун, лифофани тепа, паст, ва белидан боғлаб қўйилади. islom.uz Image not found or type unknown

## **Жўрабоев Юсуфжон Исроилжон ўғли**